O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
29 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

№ 13 (25.563).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 январь куни Оқсарой қароргоҳида «Кейс-Нью Ҳолланд» корпорацияси директорлар кенгашининг раиси Жан Пьер Россо раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мазкур корпорация Ўзбекистоннинг ишончли шерикларидан бири эканлигини таъкидлади.

— «Кейс-Нью Ҳолланд» қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи, қурилиш техникаси ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринда туради, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Бизга бундай корпорация билан ҳамкорлик қилиш мамнуният бахш этади.

Айни пайтда Ўзбекистонда ушбу корпорация билан ҳамкорликда тўртта қўшма корхона очилган. «ЎзКейсмаш» корхонасида 1997-1999 йилларда 500га яқин «Кейс-2022» русумли пахта териш машинаси йиғилган бўлса, «ЎзКейстрактор» корхонасидан ўтган йили 200дан зиёд «МХ-135» русумли трактор чиқди. «ЎзКейссервис» корхонаси техникавий хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида унинг марказлари бор. Корхона зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус автомобиллар ёрдамида кўчма хизмат кўрсатишни ҳам ташкил этган. «ЎзКейсагролизинг» эса ўтган йили 35 та шоли ўриш комбайнини импорт қилиб, маҳаллий хўжаликларга лизингга берди.

Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг шиддат билан ривожланиб бориши, турли жабҳаларда кўплаб ютуқларни қўлга киритиши ва халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар дипломатларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Яқинда Президент Ислом Каримов Фармонига биноан, Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, бу йўлдаги масъулиятли хизмати ва самарали меҳнати учун қатор давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари «Дўстлик» ордени билан тақдирланган эди. 28 январь куни Оқсарой қароргоҳида Президентимиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Исроил, Жанубий Корея, Миср, Туркия, Франция, Хитой ва Японияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиларига ана шу юксак мукофотларни тантанали равишда топширди.

Ислом Каримов бу юксак мукофотлар дипломатларнинг халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг демократия ва бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ислоҳотлар йўлидан жадал одимлаши ва иқтисодий салоҳияти ошиши учун муайян лойиҳаларни амалга ошириш, миллатлар ўртасида дўстлик ва бирбирига ишонч туйғуларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссалари учун тақдим этилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти элчилар ўз мамлакати сиёсатининг ижрочилари эканлигини, бу сиёсат эса ўша давлатларнинг манфаатлари ва Ўзбекистонга муносабатини ўзида мужассам этганлигини яхши тушунишини айтди. Лекин сизнинг хизматингиз фақат ўша сиёсатнинг ижро этувчиси эканлигингиз учунгина эмас, балки айни пайтда унинг шакллантирувчиси ҳам бўлганликларингиз учун улкан хизмат саналади. Кўп ўзгаришлар сизнинг куч-ғайратингизга, шижоату матонатингизга боғлиқ, деди Ислом Каримов.

Президентимиз элчиларнинг оддий инсон сифатида мамлакатимиз ва халқимизга қандай муносабатда бўлаётгани, тарихимиз, маданиятимиз ва одамларимиз менталитетига қай даражада тушуниш ва ҳурмат билан қарашига ҳам кўп нарса боғлиқ эканлигини ва Ўзбекистон аҳли дипломатларнинг юртимизга ва халқимизга эҳтиромини юксак қадрлашини таъкидлади.

Маросимда сўз олган Франция элчиси Жан-Клод Ришар эндиликда «Дўстлик» ордени уни янада кўпроқ ва самаралироқ ишлашга ундашини таъкидлади. Унинг асосан ўзбек тилида сўзлагани ва Ўзбекистонга равнақ, Ўзбекистон — Франция муносабатларига ривож тилагани йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Бундай юксак мукофот шараф ва ифтихор бағишлашини қайд этган туркиялик дипломат Умур Апайдин мамлакатимиз эришаётган ютуқлар Туркия халқининг ҳам ғурурини оширишини айтди. Туркия Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кўмаклашишда давом этаверади, деди у.

Миср элчиси Мамдуҳ Шавқий ўз мамлакати халқи ва ҳукумати номидан юксак мукофот учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирар экан, фаолияти давомида икки давлат дипломатлари учун Мисрда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ишлаш анча қулай, деган хулосага келганини айтди. Бу мамлакатларимиз ва халқларимизнинг муштарак жиҳатлари кўплигидандир, деди у. Ўйлайманки, мазкур орден ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Япония ҳамда Жанубий Корея элчилари ва шахсан ўз номидан миннатдорлик билдирган Хитой элчиси Ли Цзинсян, бу мукофот нафақат ўзимизга, балки бизга шарафли ва масъулиятли вазифани юклаб, бу ерга вакил қилиб юборган мамлакатларимизга, халқларимизга ҳам тегишли деб ҳисоблаймиз, деди. У юксак нишон билан мукофотланган ҳамкасбларини қутлар экан, Ўзбекистон раҳбариятини ишонтириб айтамизки, «Дўстлик»ка муносиб бўламиз ва бундан буён ҳам икки томонлама алоқалар ривожи учун бор куч-ғайратимизни сарфлайверамиз, деди.

■ (ЎзА)

Суратда: тантанали маросимдан лавҳа.

■ **Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Сиз муҳтарам юртбошимизга мактуб ёзишдек бахтга эришиб турганимдан қалбим чексиз ғурурга тўлиб, Яратганга шукроналар келтираман. Чунки, кўпмиллионли Ўзбекистон халқининг бахтига Сиздек доно ва одил раҳбарнинг мамлакат бошида турганлиги катта бахт ва саодатдир. Халқимизнинг инон-ихтиёри билан Сиз яна Ўзбекистон раҳбари этиб сайландингиз. Шу ёрқин ғалабангиз билан Сизни, қадрли Ислом Абдуғаниевич, оиламиз, маҳалламиз ва барча юртдошларимиз номидан муборакбод этаман. Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг!

Тинчлик ва осойишталик ҳукм суриб турган саодатли кунларда ҳар биримизнинг асосий вазифамиз Ўзбекистонимизнинг истиқлолини мустаҳкамлаш, унинг буюк келажагини

Суратда: ***МИРЗАЖОНОВлар оиласи***

барпо этиш учун баҳоли қудрат ҳисса қўшиш ва юртимиз равнақи билан ўз тақдиримизни чамбарчас боғлашдан иборат бўлиб турган экан, бу савобли ишдан мен ҳам четда турмаслигим лозимлигини ҳар дақиқа ҳис этяпман.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ ўз имкониятларимни тўла ишга солиш, эл-юрт эҳтиёжи учун зарур бўлган ишларни бажаришга киришдим. Аввало, биз каби тадбиркор деҳқонларга кенг шарт-шароитларни яратиб берганлигингиз боис ана шундай имкониятларни ишга солиб, халқимиз учун йўқни йўндириш йўлларини излаб топяпмиз.

Оиламиз деҳқончилик билан азалдан шуғулланиб келади. Отамиз Собиржон Мирзажоновнинг панд-насиҳатлари билан **мен ва 5 та укам** ана шу соҳа сирларини пухта эгалладик. Истиқлол шарофати билан **ҳар биримиз учун томорқа ерлари берилди.** Уларга иморат солиб, **томорқаларда бодринг, турп, узум етиштириш,** уни сотиш билан астойдил шуғуллана бошладик. Деҳқоннинг иши техника билан баракали бўлар экан. **Ўз даромадларимизга шу мақсадда ҳайдов ва чопиқ тракторлари, юк машиналари сотиб олдик.** Маҳсулотларимизни аввало республикамизда, аста-секин Ҳамдўстлик мамлакатларида яшовчи истеъмолчиларга етказиб бера бошладик. Тез орада оиламиз иқтисоди мустаҳкамланиб, орттирган сармоямиздан **хайр-эҳсон** қилиш имкониятларига ҳам эришдик. Ўзаро маслаҳатлашиб, болалар уйлари, мактаб ва боғчалар, шифо масканларига моддий ёрдам берябмиз. Айниқса, **Шоҳимардон ва Қувада рўй берган табиий офат** оқибатларини бартараф этишга бутун оиламиз билан оёққа турдик. Бу ерда жабр кўрганлар учун **500 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатдик,** оиламиз ихтиёридаги **автокран ва юк машиналарини табиий офат оқибатларини бартараф қилиш учун сафарбар қилдик.**

1997 йилда ўзим Германияда бўлиб, «Мерседес-Бенц» компаниясида маҳаллий шароитларимизга тўла жавоб бера оладиган энг замонавий юк автомашинасини **махсус буюртма асосида тайёрлатдим. Қиймати 270 минг АҚШ долларига** тенг бўлган ушбу юк автомашинаси билан бугунги кунда юртдошларимизнинг оғирини баҳолиқудрат енгил қилиб келяпмиз.

Ҳозир оиламизда «Мерседес-Бенц», «КамАЗ», «МАЗ» юк автомашиналари, автокран, автоюклагич, трактор, автобус, «Дамас» ва «Тико» автомобиллари бор. Уларнинг барчаси ҳалол меҳнат, келажакка ишонч ва Сиз яратиб бераётган улкан шароит, тинчлик-тотувликнинг самарасидир. Бир ярим гектарлик пайкалда барпо этилган токзоримиз илк мевасини бера бошлади. **Ҳалол меҳнат қилса, ҳеч ким хору зор бўлмас экан.** Буни биргина бизнинг оиламиз мисолида кузатиш мумкин. Имкониятимиз бор экан, халқимиз учун меҳр-мурувват ишларини асло тўхтатганимиз йўқ. Сизнинг ташаббусингиз билан 2000 йилнинг дастлабки ўн кунлигини «Мурувват кунлари» деб эълон қилинганлиги мени яна янгича саховат ишларига ундади. Ўша кунлари вилоятимиздаги кам таъминланган оилаларга сармоямиз ҳисобидан **4,5 тонна унни беминнат ёрдам сифатида тарқатдим. Бундан ташқари навбатдаги сафарим давомида Якутия Республикасидаги болалар уйларига инсонпарварлик ёрдами сифатида 5 минг килограмм узумни тарқатиб қайтдим.** Сибирликлар Ўзбекистон ҳақида Сизнинг олиб бораётган одил сиёсатингиз, ўзбекларнинг меҳр-саховати ва сахийлиги ҳақида ички ҳаяжон ва ҳавас билан тўлиб-тошиб гапиришди. Ана шу юртнинг фарзанди эканлигимдан чексиз фахрландим.

Қадрли Ислом ака!

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг биринчи сессиясида менинг фаолиятимга берган улкан баҳоингизни эшитиб, бошим осмонга етди. Ота-оналаримизнинг, ҳамқишлоқларимизнинг ва оддий кишиларнинг қувонганини айтмайсизми! Мендек оддий бир инсонга, ёш тадбиркорга бўлган эътиборингиз учун Сизга бошим ерга теккунча таъзим қиламан. Сизнинг ўша фикрларингизни бутун фарғоналик тадбиркор деҳқонларга берилган юксак баҳо деб ҳисоблайман. Танамда жоним бор экан, бор куч-ғайратимни, тажрибамни шу юртим учун, унинг равнақи, тинч осойишталиги ҳамда порлоқ келажаги учун сарфлайман.

Сизга, муҳтарам Ислом ака, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилангизга тотувлик, Ватан равнақи йўлидаги фаолиятингизга омад тилайман. Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг! Саждагоҳ каби муқаддас юртимизни ёмон кўзлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Сизга чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан:

Олтиариқлик тадбиркор
Солижон МИРЗАЖОНОВ

2000 йил 17 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИГА «ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ» МАҚОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жадид зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялаш, умуминсоний ва миллий илм-фан қадриятларини авлодлар онгига теран сингдириш, Тошкент Давлат университетининг азалий юксак мавқеини ўз жойига қўйиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Маърифатпарварлар ва Тарихчилар жамиятлари, Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ва бошқа бир қанча жамоат ташкилотларининг тарихий ҳужжатларга асосланган хулоса ҳамда таклифларини инобатга олиб, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг асосчилари жадид зиёлилари, унинг ташкил этилган санаси эса 1918 йил 12 май деб белгилансин.

2. Тошкент Давлат университетининг нафақат республикамизда, балки минтақамизда ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси эканини, олимлар ва ўқитувчилар жамоасининг фан ва таълим соҳасидаги юксак салоҳиятини, Ўрта Осиё давлатларида таълим ва илмий-тадқиқот тизимини шакллантиришдаги муҳим ўрни ҳамда халқаро нуфузини назарда тутган ҳолда унга «Миллий университет» мақоми берилсин ва у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб аталсин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Миллий университетининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини камол топтириш, уларни мустабид тузум йилларида қатағон қилинган фидойи ватандошларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, халқимизнинг беқиёс илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш;

жамиятнинг илмий-маданий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ўртасида илмий қадриятларни тарғиб қилиш, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш;

миллий университет таълим тизимини илғор илм-фан ютуқлари асосида такомиллаштириш, мамлакатимиздаги барча университетлар учун ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий масалалар юзасидан таянч ҳамда етакчи олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатишига эришиш;

жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириш ва улар фаолиятининг давомийлигини таъминлаш, ривожланган мамлакатларнинг университетлари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни янада кенг йўлга қўйиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 январь

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг таъсис санасини ўрганиш бўйича ташаббускор гуруҳ мажлисининг

БАЁНИ

Тошкент шаҳри 2000 йил 27 январь

Раислик қилувчи:
Т. Долимов — Тошкент Давлат университетининг ректори, ташаббускор гуруҳ раҳбари

Иштирок этдилар:

Н. Каримов — Маърифатпарварлар жамияти раиси
А. Аҳмедов — Тарихчилар жамияти раиси
И. Раҳимов — файласуфлар жамияти раиси
О. Шарафутдинов — "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири, профессор
И. Ғофуров — "Миллий тикланиш" газетаси бош муҳаррири
Ў. Ҳошимов — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Илмий жамоатчилик, идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ТошДУнинг фахрий домлалари.

КУН ТАРТИБИ

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг таъсис санасини аниқлаш ҳамда унга Миллий университет мақомини бериш ҳақида.

(Т.Долимов, О.Шарафутдинов, Б.Қосимов, Н.Каримов, Д.Алимова, В.Гентшке, И.Шамсиева ва бошқалар)

Тошкент шаҳар сайловчилари билан учрашувда республикамиз Президенти Ислом Каримов университетнинг ҳаққоний тарихини тиклаш ва унга Миллий университет мақомини бериш ҳақидаги фикрни билдирдилар.

Мазкур масала юзасидан ташаббускор гуруҳ аъзолари, олимлар, мутахассислар, турли илмий жамиятлар ва жамоат ташкилотлари вакилларининг мулоҳазалари тингланди.

Шу пайтгача Тошкент Давлат университети 1920 йили шўро ҳукумати ташаббуси билан ташкил этилган деган сохта фикр онгимизга сингдириб келинган эди. Аслида эса Ўзбекистонда университет ташкил этиш мустақиллик фидойилари — жадидлар томонидан матбуотда тарғиб қилингани ва 1918 йили амалга оширилгани аниқланди.

Бутун дунё илм-фани ва маданиятига буюк сиймоларни берган замин — Ўзбекистонда замонавий тараққиёт билан ҳамқадам университет бунёд этиш нияти XIX аср охири XX аср бошларидаёқ миллий зиёлиларимиз орзуси эди.

Бу фикр илк бор жадид зиёлилари таъсис этган «Таржимон» газетаси ва «Ойна» журнали ҳамда жадидларнинг «Турон» (1913-1917) каби дастлабки ижтимоий-маърифий уюшмаларининг низомларида ҳам ўз аксини топди.

Мустабид тузум даврида чор ҳукумати ҳам, кейинчалик шўро ҳукумати ҳам Туркистонда университет ташкил этиш ҳақидаги жадидлар ғоясини ўзлаштиришга интилган. Аммо бу университет асосан ғайри маҳаллий аҳолига мўлжалланиб, ўлканинг барча табиий, иқтисодий, маданий бойликларини мустабидлар манфаатларига йўналтиришни кўзда тутган. Шу боис тараққийпарвар, фидойи миллий зиёлиларимиз ўлка аҳолисининг 95 фоизини ташкил этган маҳаллий халқ учун ўз миллий университетларини ташкил этиш ҳаракатини кучайтирдилар.

Ана шу мақсадда 1918 йил 9 апрелда Тошкент жадидларининг раҳнамоси Мунавваркори Абдурашидхоновнинг Шайҳонтохурдаги ҳовлисида 9 кишидан иборат ташкилий ҳайъат тузилади. Ҳайъат маҳаллий ёшлар учун замонавий дорилфунун ташкил этиш ғоясини яқдиллик билан қувватлаб, ташкилий ишларни амалга ошириш учун бир ой давомида 9 марта йиғилиш ўтказади. Бу йиғилишларда бўлажак университетнинг ташкилий тузилиши, шўъба-факультетлари белгиланиб, унинг асосий ўқув дастурлари ишлаб чиқилади.

Мазкур ҳужжатларга кўра университетда таълим тизими уч босқич — қуйи, ўрта ва олий шаклда ташкил этилиши мўлжалланиб, таҳсил ижтимоий ва табиий йўналишлар бўйича жами 5 йил давом этиши назарда тутилган.

1918 йил 12 майда Тошкентнинг Эски шаҳар қисми (ҳозирги Ўзбек ёш томошабинлар театри биноси)да жаҳон андозаларига мос Миллий дорилфунун ўз фаолиятини бошлайди. Унинг очилиш тантаналарида Мунавваркори Абдурашидхонов ташкилий комиссия раиси ва биринчи ректор сифатида сўзга чиқиб, ўниверситет Ватан ва Миллат қаддини ростловчи, халқнинг буюк салоҳиятини, илм-фанга иштиёқини рўёбга чиқарувчи омил эканлигини таъкидлаган эди.

(Давоми 3-бетда)

ТАРИХ ВА ШАХС

ХАЛҚНИНГ ДАРДИГА ДАРМОН, КЎНГЛИГА МАЛҲАМ БЎЛГАН ИНСОН

Ислом Каримов. Бугун бу ном хаёлимизда миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажагига дахлдор бир дунё тушунчаларни уйғотади.

У сиёсат оламида дафъатан қачон кўзга ташланган? Ҳаётий принциплари нималардан иборат? Ўтган давр ичида бу принциплар ўзгардими ёки у ҳаётни ўзгартирдими?

Саксонинчи йилларнинг ўрталарида кекса бир шоир шундай зорланган: "Кўчага чиқсанг, бошқа миллат вакиллари шундай ўқрайиб қарайдики, худди ўзингни қамоқдан қочиб чиққан жиноятчидай ҳис этасан. "Ҳой, биродарлар, сизларга нима бўлди ўзи? Ахир, шунча вақт бирга яшаб, топганимизни бирга баҳам кўрдик, ҳаётнинг аччиғини ҳам, чучугини ҳам бирга тотдик, нега энди бугун бизга ёвқараш қиласизлар? Гуноҳимиз нима?" — деб дод солгинг келади. Газеталар халқимизни Италия мафиясидан кўра хатарлироқ жиноятчига чиқариб қўйди. Қаранг, куни кеча "Огонёк" журнали Гдлян фалончини қўлга олиш учун бронтранспортерда боришга мажбур бўлди, деб ёзибди. Шу ҳам инсофданми, адолатданми?

Бутун бошли бир халқ жиноятчи бўлиши мумкинми, ахир?

Наҳот шуни ўйлайдиган бир одам бўлмаса?!."

Бугун ўша йиллар хотираси хира туман қўйнидаги чўғдай милтираб хаёлдан ўтади. Кўп ситамлар унутилмоқда. Лекин бу машъум уқубат суяк-суягидан ўтган, топталган, ҳақоратланган жабрдийдалар унинг таҳқиру қийноқларини, юракни куйдирувчи аламларини ҳеч қачон хотирасидан ўчириб ташлай олмайди. "Ўзбеклар иши". Юрак ҳовучлаб яшашга ундовчи бундай қатлу қирғинлар аввал ҳам содир этилган. 1937 йилда, 1950 йилларда у қанчадан — қанча инсонларнинг ёстиғини қуритган, халқнинг иродасини синдириб ташлаган. "Ўзбеклар иши", "пахта иши" ҳам шу ёвуз ниятда қилинаётганини амалдаги раҳбарлар жуда яхши билишган, фақат аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиб, уни ижобий сифатлашган. **"АиФ"**нинг 1988 йил сентябрь сонида Ўзбекистон Марказқўмининг ўша даврдаги биринчи котиби: *"Аввало республикага шундай қўламли ёрдам кейинги 30 йилда биринчи марта амалга оширилганини таъкидламоқчиман"*, — дейди, сўнг ўтган тўрт йил ичида 58 минг одам ишдан олиниб, аксарияти жиноий жавобгарликка тортилганини қайд этар экан, мақтанишдан ўзини тия олмайди: *"Шуни рўйрост айтишим керакки, Гдлян гуруҳи республика фирқа идоралари томонидан қаттиқ қўллаб-қувватланмаганида ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмаганида, улар бу қадар самарали ишлай олмасдилар, албатта..."*

Мана шу кимсалар, ўзларининг ибораси билан айтганда, "қўлни - қўлга бериб", халқимизнинг шаънини поймол этишди, руҳини синдиришди. Қарийб 7 минг киши тамомила бадном қилинди ва жиноий жавобгарликка тортилди. Уларнинг оилалари, қариндош-уруғлари қақшаб, қон ютиб қолаверди. Номусга чидай олмай, азбаройи қизларининг, ўғилларининг келажагини ўйлаб, уларни исодга қолдирмай деб, ўз жонига қасд қилганлар қанча.

Ҳали бу қирғин охирига етмай туриб ғурурни топтовчи иккинчи хуруж бошланди — айрим вилоятлар бошқаларига қўшиб юборилди. Шу билан бирга водий, Ўш, Ўзган аланга ичида қолди...

"Вилоятлар қўшиб юборилди" деганда 1988 йилнинг сентябрида Жиззах, 1989 йилнинг майида Навоий вилояти бўлиб ташлангани хаёлимиздан ўтади. Аммо бу жараён анча илгари — 1987 йилнинг охирида бошланганини, Қашқадарё вилояти Бухоро таркибига қўшиб юборишга ҳаракат қилинганини кўпчилик билмайди. Эҳтимол ҳозир сизнинг кўнглингизда ҳам: "Ахир, бундай бўлмаган-ку!" — деган эътироз туғилгандир? Лекин шундай бўлган.

1988 йилнинг 2 январида Қашқадарёнинг вилоят ҳамда туман раҳбарлари Бухорога чақириб олинди, вилоят фирқа қўмитаси мажлислар залида Қашқадарё вилояти тугатилгани ва у Бухоро вилояти таркибига қўшиб юборилгани айтилди. Қашқадарёнинг биринчи раҳбари бу пайтда Ўзбекистондан анча олисда эди, аммо шу хабарни эшитган ҳамоно Қаршига учиб келди, юзага келган вазият билан батафсил танишиб чиққач, республика фирқа марказқўмининг навбатдаги бюросида вилоятни сақлаб қолиш масаласини кўндаланг қўйди. Қашқадарё вилоятининг тугатилиши минтақа учун оқибатини тасаввур қилиш қийин бўлган муаммоларни келтириб чиқаришини ҳаётий далиллар асосида исботлаб берди. Аҳоли жуда кескин суръатда ўсаяпти. Шунга уйғун равишда янги ерлар ўзлаштирилиб, янги маъдан конлари очилмоқда. Вилоят бошқа бир вилоятга қўшиб юборилгач, уни бошқариш наинки қийинлашади, балки бошланган кўпдан-кўп ишлар тўхтаб қолади. Вилоятнинг ички имкониятлари, салоҳияти барҳам топади. Бу эса фавқулодда танглик келтириб чиқаради. Аҳолининг норозилиги кучаяди. Бир сўз билан айтганда, тарихий хатога йўл қўйилган бўлади...

Халқнинг шашти синган ўша даврда бир вилоят раҳбарининг ҳукумат хоҳиш — иродасига кескин қарши чиқиши дафъатан чақин чақнаб, унинг ёғдуси зимистон қаърини тилиб юборгандек бўлди. Вилоят аҳли манфаатларини узил-кесил ҳимоя қилган, катта жасорат эвазига Қашқадарёнинг бир бутунлигини сақлаб қолган Ислом Каримов қатъияти халқ орасида денгиз тўлқинидай кенг ёйилди. Чунки машъум XVI пленумдан кейин боши маломатдан чиқмаган жафокаш бу халқни, унинг манфаатларини ҳали ҳеч ким журъат ва қатъият билан ҳимоя қилмаган эди.

Ислом Каримов ўша даврда замоннинг ўлчовига сиғмаган ишларни кўп қилган.

1988 йилнинг апрели. Тошкент. Талабалар шаҳарчаси. Университетнинг маданият саройида қашқадарёлик ёшлар билан вилоят раҳбарининг самимий учрашуви бўлиб ўтди. Талабаларнинг бошини бириктириш, уларнинг муаммоларини ўрганиш Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати эди.

У ёшларни юрагига яқин олиб, узоқ суҳбатлашди. Энг муҳими, талабаларнинг кўнглидаги интилишларни ҳам, муаммоларни ҳам аниқлади, уларни ечишга интилди, шу билан бирга, ҳар қайсингиз ўз соҳангизнинг ҳадисини олган мутахассис бўлиб етишишга интилинг, деб талаб қўйди.

— Қўлингизга диплом теккан куниёқ тўғри Қаршига, менинг олдимга борасизлар, — деди у. — Ҳар бирингизни ўзим ишга жойлаштираман. Ота-онангизнинг сиздек ўғил-қизларидан умиди катта. Буни ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг!

Ўшанда ҳаяжонли бу учрашув, раҳбарнинг бир ота каби уларнинг бошини силаши бутун талабалар шаҳарчасига ёйилган. Бошқалар қашқадарёликларга ҳавас билан қарашган...

Ислом Каримов номи дастлаб мамлакат раҳбари сифатида тилга олинганида у кишини яқиндан биладиган зиёлилар *"Бу одамнинг ҳокимиятга келиши — худонинг иноятидир. Жуда кучли шахс. Халқимизнинг қаддини кўтаради"*, дейишган.

Албатта, ўша даврда раҳбар шахсга осон бўлмаган.

Нега?

Биринчидан. Мамлакат ҳаёти, халқ хўжалиги тамомила издан чиққан. Ҳаётдан файз кетган. Юлғичлик, талон-торож, нафс балоси авж олган эди.

Иккинчидан. Жабрланган халқ ҳали ўзига келмаган. Эртанги кунга ишонч йўқолган. Олағавур, нотинчлик, саросима ва таҳлика ҳукмрон эди.

Учинчидан. Юздан парда кўтарилган. Тили-забони бор одам сўз талашар, ўзича муаммо қўяр, лекин ечими ҳақида ҳеч ким бош қотирмас, издиҳомни жунбушга келтирар эди-ю, аммо унинг хатарли оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмасди. Ҳар ким ўзини кўрсатишни истарди. Манманлик, бошбошдоқлик чегара билмасди.

Тўртинчидан. Инқирозга юз тутган империя жон талвасасида илондек тўлғанар, ҳамла қилиб ҳали у, ҳали бу ерга ўт пуркар, энг ёмони, бундай қабиҳлик миллатлар ва элатлар ўртасида низо чиқаришга, уларни бир-бирига қарши қўйишга йўналтирилган бўлар эди.

Ана шундай нозик бир вазиятда ҳокимият ҳасрати тинчини ўғирлаган айрим амалпарастлар кўзига салтанат жуда омонат тургандек, бир ҳамла билан уни қўлга киритса бўладигандек туюларди. Улар тақир жойдан чанг чиқарар, митинглар уюштирар, халқни чалғитиб, раҳбариятга қарши қўйишга уринар эди.

Бу даврни сурхондарёлик Мингқобил ота Норқобилов жайдари тилда шундай ифода этган: *"Халқ билан ўйнашиб бўлмайди. Бу ёмон кулфатлар келтириши мумкин. Қўшни мамлакатларда нималар бўлмади. Қанча одамлар яшин урган дарахтлардай куйиб кетди. Ўзи-ку, юртимиз ҳам ўша йиллар ўтин қалаб, керосин сепиб қўйилган ўчоқдай чатнаб ётувди-я, лекин ғаним-лар гугурт чақиб ташлашига Юртбошимиз қўймадилар-да!"*

Ўша кунларда Навоий шаҳрида бир қизнинг сирғасини олиб қочаман деб қулоғини юлиб кетишган. Машина ўғирлаш эса "русум"-га кирган. Қўша-қўша темир эшиклар ортида ҳам кишилар хотиржам ухлай олмаган.

Закий шоиримиз Абдулла Орипов ўша талотўп даврда, бир ўзаро суҳбатда шундай деган эди: — *Биз қопқоронғи ўрмонда адашиб қолган йўловчиларга ўхшаймиз. Қачон бу ўрмоннинг адоғи кўринади, қачон ёруғликка чиқамиз — буни ҳатто авлиёлар ҳам билмайди.*

Умидсизлик, ишончсизлик, шубҳа ва хиёнат юракларни ўртаган, империя қонсираб қутурган беқарор бир шароитда миллион - миллион одамлар тақдирига жавобгарликни зиммага олиш, халқнинг кипригига гард индирмай ўша "қопқоронғи ўрмон" ичидан ёруғликка, яъни, Озодликка олиб чиқиш ва яна шитоб билан келажак сари одимлаш қанчалар масъулият, ғайрат ва шижоат, жасорат талаб этишини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак?!.

Озодлик деган, жон-жаҳди билан унга интилган, қон ютган, ўзини, авлодларини, келажагини қурбон қилган инсонлар қанча...

Қолаверса, "ёвузлик салтанати" деб ном чиқарган империя бош устингда даҳшат солиб, тегирмон тошини айлантириб турган бўлса!..

Ислом Каримов мамлакат раҳбари сифатида иш бошлаган — водий олов ичида қолган ўша унутилмас йиллар, қурбонлар ёдингиздадир. Ахир, бу аланга Озодлик йўлига қўйилган қурбонталаб тўсиқ эмасмиди? Ўш, Ўзган, Қўқон, Бўка ва Паркентда чиққан алангаю оташ-чи? Бу воқеаларга ўша даврга хос нотинчлик деб қараш — соддадиллик бўлади. Бу — Озодлик йўлини қуйдириб, халқни қовуриб ташлаш учун империя аждаҳо каби пуркаётган ўт-олов эди.

Мана шу давр, нотинчликлар Йўлбошчимиз шахсини, интилишларини халққа кўзгудаги каби аниқ-равшан намоён этди.

Ўш, Ўзган воқеаларидан кейин ғазабга минган водий аҳли денгиздай тошиб, қасд олишга шайланганида Ислом Каримов чегарага бориб, кечаю кундуз уйқу нима билмай, ўзини аямай, одамларни вазминликка, ақл билан иш юритишга ундаб оёқда турган. Бу матонатнинг гувоҳи бўлган ёзувчи Одил Ёқубов: *"Уйқусизликдан Каримовнинг кўзлари қизариб кетган эди,"* — деб ҳали-ҳали эслайди.

Ўшанда ғазаби денгиздай тошган халқни Йўлбошчимиз қайтариб қолмаганида, бир кулфат минг кулфатга айланмасмиди? Ҳеч кутилмаган мудҳиш ва аянчли оқибатларни келтириб чиқармасмиди?

Қолаверса, бирон-бир аламзада: "Нега бу бизнинг йўлимизни тўсади? Хўрланган қариндошларимиз учун биз ўч олмасак, ким олади?!" — деб қутқу солганида, қаҳру ғазаб аланга олиб, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ғалаён бошланиб кетмасмиди?

Нима, Ислом Каримов буни билмаганми? Шунинг учун ҳаётини хавф остида қолдирганми?

Йўқ, албатта.

"Эртанги кунимизни ҳимоя қилиш учун мен жонимни ҳам беришга тайёрман!" — дейди у. Бу унинг ҳаётий принципи. Ўтган ўн йил мобайнидаги ҳар бир соҳия шу асосга қурилган, оилаларнинг, шаҳару қишлоқларнинг, мамлакатнинг тинчлик ва осойиши — кўнгилдаги хотиржамлик, болалар юзига ярашган кулги шунинг эвазига таъминланган.

16 февраль куни шундай кўз ўнгида портлаш содир этилгач, содда қилиб айтганда, ҳаётига суиқасд қилингач, террорчилар навбатдаги портлашни амалга ошираётган бир пайтда Йўлбошчимиз хатарли майдонда туриб, ўзини эмас, жабрланганларни ўйлагани, уларнинг оилавий мусибатига шерик бўлиб, шунга бошқаларни ҳам сафарбар этгани, айни пайтда **"Ҳар бир одамнинг кўнглига малҳам бўлиш керак!"** — деб куюнгани ва халқни хотиржамликка, якдилликка даъват қилгани, саросимали дамларда тоғдек таянч бўлиб, таҳликани қайтаргани шундан далолат эмасми?

Ислом Каримовнинг ҳаётий принциплари деганда аввало собит ирода, меҳр-оқибат, қуриш, яратиш, миллат ва Ватан шарафини улуғлаш каби мўътабар тушунчалар хаёлдан ўтади. Ўтган ўн йил ичида юртимизда амалга оширилган беқиёс ўзгаришлар, дину иймонимиз, қадриятларимиз, миллий байрамларимиз, тарихимиз, улуғ аждодларимиз ва азиз-авлиёлар шарафини тиклаш борасида қилинган эзгу ишлар, миллатнинг миллат сифатида қад ростлаши ва она-Ватаннинг бугунги дунёвий обрў-эътибори, биз истаймизми, йўқми, қатъий назар, энг янги тарихга унинг номи билан бирга битилган.

Яқинда Ислом Каримов Қашқадарёда ишлаб юрган кезлари бир муштипар аёл бир этак боласини етаклаб нажот истаб келганини эсга олди. Маълум бўлишича, десантчилар унинг эрини қамаган, уйини талаган, ҳатто онасидан қолган бирдан-бир ёдгорлик — қўлидаги узугини ҳам тортиб олишган. **Ўша аёлнинг мусибатли қарашлари, офтобда қорайган бармоғидаги узук изи ҳали-бери кўз олдимда**, деди у.

Ҳаётда нималар бўлмайди. Лекин юракда ўчмас из қолдирадиган хотиралар инсоннинг табиатини ўзида тўлиқ намоён этади. Йўлбошчимизни безовта этадиган, доимий ҳаракатга ундайдиган жавҳар — одамларнинг оғирини енгил қилиш, миллатнинг дардига дармон, кўнглига малҳам бўлиш, қаддини кўтариш, унинг келажагини таъминлаш эҳтиёжи эмасми?

Бу хислат унда куни кеча шаклланган эмас. Бундан ўн икки йил аввал — Қашқадарёда ишлаб юрган кезлари "Бўйруқбозлик эмас, ишонтириш воситасида" деб номланган суҳбатида Ислом Каримов шундай дейди: **"Пахта иши" билан қамалган кишилар жазоси одилона қайта кўриб чиқилмоқда. Шу сабабли ҳам одамлар қалбида "Адолат бор экан-ку", деган туйғу куртак ёза бошлади".**

Қашқадарёда бошланган ишлар кейинчалик мамлакат миқёсига кўчди. 1989 йилдаёқ, яъни Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаши билан "пахта иши"ни ўрганиш бўйича республика тафтиш ҳайъати тузилди. Иттифоқ бош прокурори бу ҳайъатни тарқатиб юборишни расман талаб этса-да, у республика раҳбари ҳимоясида ишни қатъий давом эттирди ва СССР давридаёқ 2 мингдан зиёд фуқаро Ўзбекистон Олий суди томонидан оқланди.

Адолат принципи Ислом Каримов ҳаётининг асосини ташкил этади. Бултур 16 февраль воқеаларидан кейин: **"Менга ўхшаган одамни ўзгартириб, йўлдан қайтариб бўлмайди!"** — дегани ҳар бир кишининг ёдида. **Ҳаётимнинг мазмуни — иш,** — дейди у, — **шу халқ, шу миллат ташвиши!**

У ҳамиша ўзи фарзанд бўлган шу халқнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилади. Менинг фарзандларим деб билган ёшларни, туғилиб ўсган Ватанини, унинг келажагини буюк ва мукаммал ҳолида кўрмоқ истайди. Шу мақсад йўлида юраги ёнади.

"Инсоннинг етти пушти соғлом бўлиши керак", — дейди Ислом Каримов. Миллат келажаги уни ҳамиша ўйлантиради: агар ўзимизни ватанпарвар деб билсак, келажак насллар саломатлиги учун узлуксиз курашишимиз керак. Келажаги буюк давлатнинг таъмал тошини соғлом авлод яратишини унутмаслик зарур. Қани энди ҳар бир фарзанд оиланинг мўътабар эканлигини ҳеч маҳал унутмаса!

Ислом Каримов фаолияти ҳақида гапирганда яна бир ҳақиқатни айтиб ўтиш лозим: бошқаларга қандай, билмадик, аммо журналистларга осон эмас, чунки мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати, давлат ишлари ҳар қанча тиғиз бўлмасин, барибир Йўлбошчимиз телевидениени кузатишга, газеталарни ўқиб боришга ҳамиша имкон топади.

Давлатимиз раҳбари бирон-бир газетадаги мақола ёки телекўрсатувга муносабат билдирар экан, жуда юксак талаб билан ёндошиб қолмай, айтаётган фикрлари замирида улкан миллий манфаат ётади. Шуни англаб еттач, "Нега ўзимиз шу ҳақда илгари ўйлаб кўрмаганмиз?" — деб куюнасан киши. У миллат юкини елкасига олиб дунёга қарайди ва ҳар бир миллатдошини фикрий ёниқликка, миллатпарварликка, дунёга кенг назар солишга даъват этади.

Юракка чақмоқдай ўт ташлаб, уни ёндириш осон эмас ва бу саодат ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Миллатпарварликнинг буюк хислат эканлигини қайд этар экан, **мен буни ўзимга бегона туйғу деб билмайман,** — дейди у. — **Агар бу туйғу ватанпарварлик, фидойилик билан уйғунлашиб кетса, уни янада қадрламоқ керак.**

Тарихнинг гувоҳлик беришича, миллатни ёруғлик сари етакловчи, унинг шарафини баланд кўтарувчи, мўъжизалар яратишга қодир бўлган бундай беназир шахслар асрлар мобайнида камдан-кам дунёга келади.

Шу ўринда бир фикр кўнгилдан ўтади: шарқнинг оловқалб шоири Муҳаммад Иқбол Туркистон озодлигини ҳам улуғлаб ўтган. Аҳмад Закий Валидий Тўғон йигирманчи йилларда унинг бир шеърида айтилган каромат янглиғ фикрни шундай ёзиб қолдирган:

"Темурнинг сози бузилди, лекин оҳанги яшамоқда.

Бу оҳанг Самарқанднинг бошқа бир сози-ла яна саҳ-нага чиқажак!"

Шоирнинг башорати ҳаётий ҳақиқатга айланганини бугун дунё эътироф этмоқда.

Ислом Каримов Тошкент шаҳри сайловчилари билан бўлган учрашувда ҳаётининг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб, **"Мана шу Ўзбекистон дейилган муқаддас заминда яшаётган инсонларни қадрладим, ардоқладим,** — деди. — **Ўзбек миллати, ўзбек халқи номини улуғладим, бутун дунёда унинг ҳурматини жойига қўйдим".**

Бу — бор ҳақиқат.

Йўлбошчимизнинг мана шу йўлдаги хизматлари ҳақида гап кетганда кўпни кўрган бир оқсоқол: *"Бир ўғил халқи учун қилса, шунчалик қилар-да!"* — деди.

Бу ҳам бор ҳақиқатдир.

Ҳаёт эса ҳамиша ўсишдан, тараққиётдан иборат. Бунга замин бўладиган орзу-ҳаваслар , улуғ мақсадлардир.

Халқимиз ўз келажагини Ислом Каримов сиймосида кўрганлиги учун ҳам 9 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловида ҳамжиҳатлик билан унинг номзодини ёқлади. Йўлбошчимиз эса иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида юксак ва масъулиятли вазифани бажаришга киришар экан, келажаги буюк давлат яратиш йўлида олдимизда турган асосий вазифаларни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари янги даврда мамлакатнинг ташқи сиёсати ва ички ҳаётида амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишларни илгари сурар экан, яна бир неча масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Шулардан бири ташаббус, ташаббускорлик ва уни қўллаб-қувватлаш масаласидир.

Ҳақиқатан ҳам, қадим тарихга, ҳаётнинг ички тўлқинларига эътибор бериб қарасангиз, буюк ўзгаришлар замирида бир оловқалб зот ташаббуси ётганлигини илғаш қийин эмас. Ҳаётни ҳаракатга келтирувчи тўлқинлардан бири ташаббусдир.

Ташаббус ҳаётга янги нафас бағишлайди, инсоннинг яратувчилик қудратини намоён этишига асос бўлади. Президентимизнинг **"Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!"**-деган даъвати замирида шу ҳаётий ҳақиқат мужассамдир.

Ислом Каримов маънавият ҳақида гапириб, улуғ шоиримиз Алишер Навоий ижодига алоҳида тўхталди, бу чексиз хазинадан ёшларимизни баҳраманд этиш тилимизнинг жозибасини англашга хизмат қилиб қолмай, маънавий тарбияга ҳам асос бўлишига эътиборни қаратди. Шундан кейин давлатимиз раҳбари ҳар қандай майда туйғу, майда манфаатлардан устун туриб, энг иқтидорли, салоҳиятли ёш кадрларни юзага олиб чиқиш лозимлигини қайд этди...

Жиддий ўйлаб қаралса, Йўлбошчимиз бу масалаларга бежиз куюниб тўхталмаганини идрок этиш қийин эмас, зеро, улар келажакнинг темир қанотларидир...

Янги давр ҳамиша кўнгилда янги умидлар, режалар уйғотади. Биз ҳам бугун янги даврнинг бўсағасида турибмиз. Орзу-ниятларнинг адоғи йўқ. Ва, албатта, Йўлбошчимизнинг тилакларига қўшиламиз: **"Янги юз йиллик юртимиз учун чинакам юксалиш ва саодат асри бўлгай, иншоолloҳ".**

■ **Ғаффор ҲОТАМОВ,**
Шодиқул ҲАМРОЕВ

УЛКАН ШОДИЁНАЛАРГА ҲОЗИРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида Имом Абу ал-Мотуридий таваллудининг 1130, Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910, Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга, шунингдек, Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмиталарининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, мазкур ташкилий қўмиталар раиси Ҳ. Каромато бошқарди.

Таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг буюк бобокалонларимиз ва тарихий шаҳар юбилейларини нишонлаш тўғрисидаги қарорларини халқимиз катта хайрихоҳлик билан кутиб олди. Ҳозир бутун мамлакатимизда мазкур саналарни муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик бошлаб юборилди. Жумладан, Самарқандда Имом ал-Мотуридий осойиш топган Чокардиза хилхонасида замонавий-миллий меъморлик анъаналари уйғунлашган «Алломалар ёдгорлик мажмуи»ни барпо этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. Аллома қадамжоларини ўрганиш учун махсус гуруҳ тузилди. Мажмуа битгач, исломий алломалар ҳаёти, юртимиз тарихи билан қизиқувчи сайёҳлар учун яна бир қутлуғ маскан пайдо бўлади. Ҳозир Имом ал-Мотуридий ҳаёти ва фаолияти ҳақида китоб тайёрлаш, унинг чет элларда сақланаётган асарлари ҳамда ўзи ҳақидаги манбаларни тўплаш режалаштирилмоқда. Буюк бобокалонимизнинг ислом фалсафасида тутган ўрнига бағишлаб ўтказиладиган халқаро илмий анжуманда унинг илмий меросини ўрганаётган ўнлаб олимлар, жумладан, хорижлик меҳмонлар ҳам иштирок этади.

Фарғона вилоятида эса Бурҳониддин ал-Марғиноний юбилейига қизғин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Марғилон шаҳар истироҳат боғида оламга донг таратган ҳамюртимиз ёдгорлик мажмуини барпо этиш кўзда тутилмоқда. Шаҳарда ҳозирдаёқ ободонлаштириш ишлари қизғин паллага кирган. Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллуд топган Риштон шаҳридаги улкан боғда алломанинг муҳташам музейи қад ростлайди. Юбилей муносабати билан шаҳар истироҳат боғи янада кенгайтирилади. Марғиноний номидаги кўча янада кенгаяди ва равонлашади. Юбилей баҳона шаҳарда кенг кўламли таъмирлаш ишлари олиб борилади. Фанлар академияси аллома асарларини нашрга тайёрлайди.

Термиз шаҳри ҳам ўзининг 2500 йиллик юбилейини ўзгача кўринишда кутиб олади. Юбилей муносабати билан шаҳар ободончилиги ва қурилишига катта эътибор берилади. Темирйўл вокзали ва автобус шохбекатидаги қурилиш ишлари ниҳоясига етказилади. Термиз маркази замонавий тус олиши учун шаҳарсозликдаги барча ютуқлар ишга солинади. Маданият вазирлиги шаҳардаги тарихий обидаларни таъмирлаш бўйича катта дастур тузди.

Юртимизда келаётган Наврўз байрамини ҳар йилгидек жозибали ва мазмунли ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда ҳамда маҳаллаларда умумхалқ байрами тантаналарини юқори савияда ўтказиш учун астойдил ҳозирлик кўрилмоқда. Тошкентда республика халқ ҳунармандларининг анъанавий савдо-кўргазмасини ўтказишга ҳам катта аҳамият бериляпти. Пойтахтда ўтадиган асосий байрам тантаналари тўрт қисмдан иборат бўлади. Дастур ҳар галгидек Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан таклиф этиладиган бадиий жамоалар, фольклор ансамбллари, эстрада гуруҳларининг энг сара чиқишлари билан бойитилади.

Мажлисда халқимиз маданияти ва маънавиятини оламга танитишда муҳим ўрин тутадиган мазкур тадбирларни юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказиш учун бутун куч ва ғайратни ишга солиш юзасидан мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

■ (ЎзА)

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик фаолиятининг ўтган йилги якунлари ва галдаги вазифалар муҳокама этилди.

Адлия вазири С.Мирсафоев йиғилишни очар экан, мамлакатимизнинг демократик тараққиёти ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, омманинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасида муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Шу билан бирга, Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида адлия ва суд идоралари олдига қўйилган вазифалар асосида давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувининг барча бўғинларида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминловчи тизимни янада мустаҳкамлаш зарурлигига эътиборни қаратди.

Таъкидланганидек, бу борада, аввало, ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзи қонунларга сўзсиз риоя қилишини, судларнинг фақат қонунга бўйсунишини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиш, суд ислоҳоти жараёнида жиноий ва фуқаролик ишларини кўрувчи судьяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш даркор. Зеро, баъзи судлар фаолиятида масъулиятсизлик, ишларни ўз муддатида кўрмаслик, сансалорлик, ноқонуний ҳукм ва қарорлар қабул қилиш ҳоллари ҳамон кам эмас. Адлия ва суд соҳаси кадрларини тайёрлаш, танлаш ва тайинлашда ҳам талай камчиликлар мавжуд.

■ Л. СУВОНОВ,
ЎзА мухбири

ЖАНГАРИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Хабарларга қараганда, Шимолий Кавказда террорчиларга қарши ўтказилган операциялар мобайнида 10 мингга яқин жангари йўқ қилинган. Россия қуролли кучлари Бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари Валерий Манилов журналистлар билан учрашувда шуни маълум қилди.

Унинг айтишича, ушбу ҳарбий ҳаракатлар бошланмасдан аввал Чеченистонда тахминан 22-25 минг жангари бўлган. Доғистонни озод этиш чоғида 2 мингдан зиёд жангари қириб ташланган. Шунингдек, Грозний ва Чеченистон жанубидаги жанглар пайтида Россия ҳарбийлари томонидан 4 минг жангари йўқ қилинган.

КОКАИН МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

Мексика қирғоқ қўриқчилари мамлакатнинг балиқ овлайдиган «Валерия» кемасини текширувдан ўтказиш чоғида 5,5 тонна кокаинни мусодара қилди. Шунингдек, кемадаги 6 нафар киши ҳибсга олинди. Айни пайтда ушбу жиноий иш устидан тергов олиб борилмоқда.

КРЕДИТ АЖРАТИЛАДИ

Ислом тараққиёти банки бошқармаси Қозоғистонга 20 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ажратиладиган маблағ мамлакатдаги Остона-Караганда автомобиль йўлини қайта таъмирлаш лойиҳасига сарфланади.

МИСР ҲУКУМАТИ ҲАМ ҚАТНАШАДИ

Келаси ҳафтада Москвада Яқин Шарқ масаласи бўйича ўтказиладиган кўп томонлама музокараларда Миср ҳукумати ҳам иштирок этади. Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусний Муборак шундай деб баёнот берди.

Президентнинг таъкидлашича, бўлажак учрашувда Яқин Шарқни ядро куролидан ҳоли зонага айлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилиши лозим.

Сўнгги йилларда расмий Қоҳира Исроилнинг ядровий арсеналлари масаласи юзасидан бир неча марта ташвиш билдириб келмокда. Бироқ, шунга қарамай, Исроил ҳукумати ядровий куролларни тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани ҳалигача имзолагани йўқ.



Ҳиндистон манзараси

ФОЖИА

ЙИРТҚИЧЛАРГА ТИРИКЛАЙИН ЕМ БЎЛДИ

